

ҚУДРАТЛИ КУЧГА АЙЛАНАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК МАҚСАДЛАРИ РЎЁБИГА ЗАМИН БЎЛАДИ

“Янги Ўзбекистон” боғида мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.



Хар бир инсон учун ҳаётининг муҳим лаҳзалари билан боғлиқ алоҳида саналар бор. Бу кунлар ҳар йили хотирланади, байрам қилинади. Сабаби, ўша дақиқалардаги ҳаяжон, бахт ва қувончни яна бир марта туйишга уринамиз. Ахир умр файзи, ҳаёт қадри мана шундай ёрқин жабҳаларда ўз ифодасини топади. Умуммиллат, бутун бир халқ сифатида ҳам шундай. Ўзбекистон халқи учун 1 сентябрь — Мустақиллик

байрами умримизнинг мана шундай энг лазиз онларидан бири. Мана 34 йилдирки, бу кунни қатта шодиёна билан ўтказамиз. Йил сайин байрам тантаналари шуқуҳи қўр олиб, юртдошларимиз юзида мамнунлик, бугунги яшайган кунидан розилик акс этмоқда, кўзларида ғайрат, шижоат порлаяпти. Бу нимадан дарак беради? Албатта, ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб, мамлакатимиз

эркинлиги, тинчлиги мустақамланиб, давлатимиз тараққий этиб бораётганининг нишонасидир. Боиси, тинчлик, фаровонлик бўлмаган жойда ҳар қандай шодиёна ҳам инсонларнинг юз-кўзи, қалбига кўчмайди. Қаранг, энг улуғ, энг азиз байрамимизни нишонлаш учун “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрган нурунийлар, ёшлар — юртдошларимиз чехрасида бугунги кун

ўзгаришлари, охириги саккиз йилда амалга оширилган ортга қайтмас ислохотлар самараси, озод ва обод Ўзбекистоннинг мағрур ва хушбахт қиёфаси зоҳир. Уларнинг кўзларида энг улуғ туйғу — ўз ватанида эмин-эркин, гўзал ҳаётига эгалик қилиш ҳисси порлаб турибди... Бу гулгун юзларни қўриб, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг шох сатрлари ҳаёлингга келади.

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш. Ҳақиқатан, инсон гурбатда, яъни ўз ватанидан олисда шод-хуррам яшолмайди. Ҳеч бир эл — ўз оға-ининг, дўсту биродаринг, миллатдошларинг каби сенга раҳм-шафқат, меҳрибонлик кўрсатолмайди. Ушбу байт мағзи, мазмун-моҳиятини

шарҳлаб бораверганинг сари мустақилликнинг қанчалик улуғ неъмат эканини янада теранроқ ҳис қиласан киши. ...Байрам саҳнаси узра чорлов садоси янграйди. Тантана иштирокчилари, камералар нигоҳи кўкка қадалади: махсус ҳарбий самолёт осмону фалакда чизган нузли йўл барча юртдошларимиз қалбига ажиб бир сурур, фахр-ифтихор бахш этади...

➤ Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Сиз, азизларни, қўп миллатли бутун халқимизни, хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик шонли санаси билан чин қалбимдан табриклайман. Истиқлол байрами барчамизга муборак бўлсин! Хурматли дўстлар! Бугун, мана шу улуғ айём кунларида ҳаммамиз бир ҳаётини, ҳақиқатни чуқур ҳис этмоқдамиз. Янги Ўзбекистон ғояси асосида бошлаган улкан ислохотларимиз туфайли мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Айнан ана шу улуғвор ғоя асосида биз уч минг йиллик бой тарих ва маданиятимизни қайтадан идрок этдик. Юртимиз заминидagi Байринчи ва Иккинчи Ренессанс аъёналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўймоқдамиз. Ишончим комил, бу йўлда Янги Ўзбекистон давлати, Янги Ўзбекистон жамияти буюк тарихимизни янги — янада

юксак Ўйғониш даври билан боғлайдиган мустақкам кўприк бўлиб хизмат қилади. Мир Алишер Навоий бобомизнинг “**Бу оламни яратишдан мақсад — инсон эди, уни бахтли кўриш эди**”, деган фикрларида чуқур маъно мужассам. Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб, курашиб ўтган инсон қадрини улуглаш, уни бахтли қилиш — барча ислохотларимизнинг маъно-мазмунини ташкил қилмоқда. “**Инсон қадри учун, инсон бахти учун**” деган эзгу тамойилга асосланган Янги Ўзбекистон ғояси амалда қудратли ҳаракатга айланди. Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, иқтисодиётимиз 6 фойздан юқори суръатларда барқарор ўсаётгани халқимиз ўз танлаб олган йўлидан дадил бораётганини кўрсатмоқда. Юртимиз аҳолиси йилига ўртача 700-800 минг кишига кўпаймоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили 500-600 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Бунча одамни ўқитиш, касб-хунарли қилиш, уларга иш топиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун мунтазам ишлайдиган тизим, кафолатли инвестиция ва инфратузилма керак.

Шуни олдиндан чуқур ўйлаб, биз бу йўналишда аниқ дастурларни қабул қилдик. Биз маҳаллагача тушиб, ўзини ўзи банд қилган тадбиркордан тортиб, йирик бизнесгача — барчасини алоҳида ёндашув асосида қўллаб-қувватлаш бўйича тизим барпо этдик. Тула ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, олдинга бошловчи қатта кучга айланди. Рақамларга эътибор берайлик: кейинги саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз 2 қарра ошиб, ўтган йили 115 миллиард долларга, экспорт ҳажми 26 миллиард долларга етди. Йил якуни билан ялпи ички маҳсулотимиз 130 миллиард доллар бўлди. Олтин-валюта захираларимиз тарихимизда илк бор 48 миллиард доллардан ошди, ўтган саккиз йилда юртимизга қарийб 130 миллиард доллар хорижий инвестициялар кириб келди. Буларнинг барчаси ислохотларимиз самараси, тараққиётимизнинг мустақкам кафолати, нуфузли молия институтлари ва хорижий компанияларнинг юксак ишончи эмасми?

➤ Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ХИТОЙДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 30 август – 3 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ўзбекистон етакчиси 31 август – 1 сентябрь кунлари Тяньцзинь шаҳрида ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва “ШХТ плус” форматидagi саммитда иштирок этади. Тадбирлар кун тартибидан устувор йўналишларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришнинг долзарб жиҳатлари ўрин олган. Унинг якунида

Тяньцзинь декларацияси, хавфсизлик, рақамли иқтисодиёт, “яшил” саноат, энергетика, туризм ва бошқа соҳаларда шерикликни ривожлантириш ва мустақкамлашга қаратилган қўшма ҳужжатлар ҳамда қарорлар қабул қилиниши режалаштирилган. 2 сентябрь куни Пекин шаҳрида давлатимиз раҳбари ХХР Раиси Си Цзиньпин билан музокаралар ҳамда Хитой расмий шахслари ва етакчи компаниялари

раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидagi ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустақкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилади. Ўзбекистон Президенти 3 сентябрь куни Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади.

ЎЗА

Шу кунларда Хитойда йирик анжуман — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити бўлиб ўтиши режалаштирилган. Ушбу нуфузли тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этади. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу ҳақда “Ҳеч шубҳасиз, ана шу саммит натижалари ҳам Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва мавқеини юксалтиришга, кўп векторли таъқи сиёсат бўйича стратегик



мақсадларимизни амалга оширишга хизмат қилади”, деди. Маъмур саммит олдида миллионлаб аудиторияга эга Хитойнинг инглиз тилидаги нуфузли “China Daily” нашрида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ШХТ доирасида умумий тинчлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорликни кучайтиришга доир қарашлари баён қилинган мақоласи эълон қилинди. Қўйида кенг жамоатчилик томонидан катта воқелик сифатида баҳоланган ушбу мақола ўзбек тилида чоп этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ШХТ: УМУМИЙ ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон бир қатор давлатлар билан биргаликда ўрни ва аҳамияти йил сайин тобора ортиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотини шакллантириш ва мустақкамлаш жараёнларининг бошида турган эди. Ушбу ташкилотнинг фараияти бугунги кунда нафақат унга аъзо бўлган давлатларнинг тараққиётига, балки ушбу бепояён минтақада яшайётган ҳар бир инсоннинг тинч ва фаровон ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ўринда ШХТ доирасидagi ҳамкорлик масалалари ҳақида сўз юритишдан олдин ўзининг руҳи, маданияти, ҳаётбахш куч-ғайратига кўра Ўзбекистонга ўта яқин бўлган мамлакат — **Хитой Халқ Республикаси билан стратегик ҳамкорлигимиз** ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Кейинги йилларда ўзбек-хитой муносабатлари сиёсий мулоқот ва хавфсизликдан ҳар томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашувларгача бўлган энг муҳим соҳаларни кенг қамраб олган ҳолда, барқарор ривожланиш суръатларини намоён этмоқда. Уларни изчил мустақкамлаб бориш Марказий Осиё ва ШХТ маконида барқарорликни таъминлаш ва қатъий ўсишга кўмаклашадди. Икки давлат етакчилари ўртасидagi мунтазам сиёсий мулоқот икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг муҳим омилга айланди. Биз 2024 йил январь ойида Хитойга амалга оширган давлат ташрифимиз давомида ХХР Раиси Си Цзиньпин билан биргаликда ўзаро

муносабатларимизни янги кўрилмаган шароитларда ҳар томонлама юқори стратегик шериклик даражасига олиб чиқдик, халқаро майдонда энг муҳим кооперация ва ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олдик. Ўзаро муносабатларимиздаги илгари мисли кўрилмаган ривожланиш **Ўзбекистоннинг қадрли дўсти, Раис Си Цзиньпиннинг** кенг қамровли ўзбек-хитой ҳамкорлигини янада раванқ топтириш ва мустақкамлашга қаратаётган **шахсий эътибори ва тинимсиз сазй-ҳаракатлари** туфайли юзага келди. Ҳукуматлараро қўмита, Парламентлараро гуруҳ ва Ташқи ишлар вазирлари даражасидagi Стратегик мулоқот механизмлари туфайли барча келишувларимизни амалга ошириш таъминланмоқда. Бир-бирини тўлиқ тушуниш ва тўб манфаатларини ҳисобга олиш ўзаро сиёсий ишонч ва стратегик шерикликни мустақкамлашда қўл келмоқда. **Ўзбекистон ягона Хитой тамойилини қатъий**

қўллаб-қувватламоқда. Биз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, “Марказий Осиёда шериклик руҳи”ни шакллантириш бўйича Ўзбекистоннинг сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келаятгани учун Хитой томонидан ғоят миннатдормиз. Бизнинг мамлакатларимиз “**учта ёвуз куч**” — терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидagi товар айирбошлаш 2017 йилдан буён уч қарра ўсди ва 14 миллиард долларни ташкил этди. Яқин йилларда бу рақамни 20 миллиард долларга етказиш мўлжалланмоқда. Ана шу даврда мамлакатимизга 24,6 миллиард долларлик Хитой инвестициялари жалб этилди. 2024 йилда юртимизда ва Марказий Осиёда биринчи марта BYD электро-мобилларини ишлаб чиқариш бўйича корхона ишга туширилгани, шунингдек, Тошкентда ўзбекистонлик ўқувчилар логистикани бошқариш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича замонавий кўникмаларини эгаллаётган “Лубан устакхонаси” очилгани ХХР билан саноат кооперациясини ривожлантиришда янги даврни бошлаб берди.

➤ Давоми 2-3-бетларда

Миллат ўз қаҳрамонларини унутмайди



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қолаверса, ўтмишдан сабоқ чиқариш, хусусан, қатағон қурбонларининг тақдир ва меросини ёдга олиш ҳам юртимизда инсон қадрини юксалтириш сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Боиси, тоталитар тузум даврида энг асосий ҳуқуқлардан — сўз, фикр ва виждон эркинлигидан маҳрум этилган минглаб инсонларнинг тақдир бугунги авлод учун катта дарсдир. Шу маънода, қатағон қурбонларини ёд этиш, улар номини тиклаш, маънавий меросини авлодларга етказиш орқали жамиятда адолат, эркинлик ва инсонпарварлик қадриятларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Бу эса мустақил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги ишлар замонавий сиёсатнинг тарих билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Ватан мустақиллиги ҳақида гап кетганда, бундан бир аср олдин ижтимоий-сиёсий феномен сифатида шаклланган жаҳидчилик ҳаракати намояндалари кўз олдимизга келади. Миллатпарварлик, маърифатпарварлик ва тарихий ҳақиқатни қўлига қўйган инсонларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун, биринчи навбатда, миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида уруғ берди.

Мазкур йўлда маҳаллий ёшларни Германияга, шунингдек, бошқа илгор мамлакатларга юбориш, улар ёрдамида бу юртларда эришилган илмий-техник ютуқ ва тажрибаларни олиб киришни мақсад қилди. Мана шундай узоқни кўзлаган лойиҳани амалга ошириш учун ўша даврда юртининг зиёли бойлари салмоқли улуш қўшгани, натижада Туркистон ва Бухородан 1922 йил охирида юзга яқин ёш йигит-қиз Германия олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати,



интервьюлар магбуот, радио ва телевидениенинг бош мавзуларидан бирига айланди. Маҳалла ва ташкилотларда мудҳиш даврнинг аччиқ тузани тортган кишиларга бағишланган хотира кечалари ўтказилди. Махфий қатлгоҳларда отиб ташланган аждодларимизни давлат ва умумхалқ миқёсида ёд олиш ишлари бошланиб кетди.

“Менинг ёшим олтмиш еттида. Отам Иномбой Холйигитов қассоб бўлган... НКВД ходимлари отам яшаган Чортоқ тумани Айқирон қишлоғидаги уйида тинтув ўтказиб, унинг бор мулкни олиб кетишган. Уй-жойимизни тортиб олиб, қолхозга беришган. Мен у пайтларда уч яшар бола бўлганман. Отамни “шўро ҳукуматида қарши миллатчи унсур” сифатида қамқоқ жазосига ҳукм қилишган... Онамнинг этагида тўрт зўдак, уй-жой-



дан айрилиб, дарбадар кўчада қолганмиз. Акам, укам ва синглим очлик ва қасаллик туғайли ўлиб кетган. Кейин отам вафот этди...” (Шамсидин Иномов хатидан).

“...1937 йилнинг қиёсда отам Меҳмонхон Музаффаровни ҳибсга олишган. Уйидаги клубда отам ва ана бир неча киши суд қилинган, ҳаммасига олий жазо белгиланган...”

Мен 1948 йили Тошкентдаги ҳуқуқшунослик билим юртига ўқишга бордим. Ҳатто пахта теримига ҳам бориб келдик. Бир куни директор мени қўқисдан ўз хонасига чақириб қолди. Ичкарида бир неча бегона кишилар ҳам бор экан. Улар мендан: “Отанг қамалганми?” — деб сўрашди. “Ҳа, лекан кейинчалик оқланган”, — дедим мен. Улар бошқа гап айтишмади, кетишди. Шундан сўнг мени ўқшидан ҳайдашди...” (Саид Музаффаровнинг хатидан).

“...Ўтмишнинг йилларида ноҳақ қамалган ва қатағонга учраган кишилар орасида менинг отам ҳам бор. 1937 йилнинг бошларида отам Обид Усмонов укасиникига борган вақтида НКВД ходимлари ушлаб, олиб кетишган. Дадамга қандай айб қўйишган, неча йилга қамашган ва у қачон вафот этган, буни аниқ билмайман...” (тошкентлик Матлуба Обидова хатидан).

Бундай хатларнинг барчасида яқин жигарларининг нима учун қамалгани, қачон ва қерда вафот этгани тўғрисида маълумот

бериш ва, агар имкон бўлса, суратларини юбориш сўралган эди. Уларни шунчаки ўқиш мушкул. Аммо бундан-да оғир — ўша хатларнинг эгаларига оид маълумотнома топиш мақсадида архивларда ўтириб, асоссиз қамалган, тўхмат асосида алламбало қоғозларга мажбуран қўл қўйган, отувга ёки узоқ йиллик жазога ҳукм қилинган маҳбусларнинг кўз ёшларига беланган тергов ҳужжатларини варақлаш эди. Шунга қарамай, жамғарманинг фидойи фаоллари бўлмиш Рустам Шамсутдинов, Холида Ахророва, Шерали Турдиев, Сирожиддин Аҳмедовларнинг саъй-ҳаракатлари билан қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштирувчи ўнлаб рисола ва китоблар, юзлаб мақолалар чоп этилди.

Ҳар бир ўзгариш, аввало, онгда юз беради. Ҳар бир ислоҳот — товодан кўнгилга

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртиларида Қатағон қурбонлари хотираси музейи ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишида қатағон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш, ўрганиш, қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материаллар, ноёб суратларни тўплаш, шунингдек, қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида илмий-тарихий китоблар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш юзасидан қатор вазифалар белгилаб берилди.

Фармойиш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 14 та “Қатағон қурбонлари” хотира китоби тайёрланди. Улар пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида барпо этилган рамзий хотира китобига киритилди.

Мустақиллик байрами арафасида, бугунги тинчлик, эркинлик шароитида қаҳрамон болаларимизнинг пок номларини эслаш, табарруқ хотираларига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Шу боис, дунёдан ўтган ватандошларимизнинг қадри тикланди. 2024 йил 19 июль куни давлатимиз раҳбари “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарорга имзо чекди.

Ҳужжатда қайд этилишича, 2021-2024 йилларда Ўзбекистон Олий суди 1200 дан орტიқ сиёсий қатағон қурбонини оқлаган. Бу ишлар янада тизимли равишда давом эттирилмоқда. Шу мақсадда сиёсий қатағон қурбони бўлган ватандошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилди. Қарор билан комиссиянинг асосий вазифалари белгиланиб, унинг ишчи органи этиб Мудофаа вазирлигининг умумий раҳбарлиги остида — Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, ФА Тарих институти, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Қурулди Кучлар академияси, Мудофаа ва ҳарбий хавфсизлик

муаммоларини ўрганиш институти, “Ғалаба боғи” мемориал мажмуаси, “Шон-шараф” давлат музейининг масъул шахслари ва етакчи мутахассислари гуруҳи тайинланди.

Шунингдек, ҳар йили октябрь ойида Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталигини ўтказиш белгиланди. Сиёсий қатағон қурбони бўлган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу қарорнинг моҳияти ва мақсади ҳақида шундай деган эди:

— Шу пайтгача қатағон қурбонларининг тўлиқ рўйхати шакллантирилмаганди. Ҳолбуки, бу рўйхатдаги ҳар бир рақам ортида инсон тақдир бор. Шаҳид кетган, қатағон қилинган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти — қаҳрамонлик. Шу боис, биз қарорда қатағон қурбонларини номма-ном аниқлаш, уларнинг ибратли ҳаётини ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратдик.

Дарҳақиқат, тарихий ҳақиқатни тиклаш мақсадида уларнинг табарруқ номлари кўп жиддлик “Қатағон қурбонлари” китоби саҳифаларига ёзилмоқда.

Чет давлатларда, ҳатто ўзимиздаги архивларда бу масалага оид барча маълумотлар тўлиқ ўрганилмагани сабаб, бу борада илмий экспедициялар ташкил этилаётди. Энди ҳар йили, юқорида таъкидланганидек, октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлакатимизда Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаймиз.

Хўш, агар айнан бу ой танланди? Чунки 1938 йил 4-16 октябрь кунлари 507 нафар ўзбекистонлик сиёсий маҳбус устидан ҳукм ўқилган. Энг етакчи шахслар қатл этилган. Улар орасида етук зиёлиларимиз, Германияда ўқиб келган ёш, илгор мутахассислар, таълиқ давлат ва жамоат арбоблари бўлган.

— Бу сана халқимиз тарихидаги энг қайғули кунлардан биридир. Шунинг учун бу ҳафталикни катта тайёргарлик билан, бирдамликда ўтказишимиз керак, — дея таъкидлаган эди Президентимиз.

Шундан сўнг мазкур ҳафталик давомида аҳоли ўртасида учрашувлар, турли кўргазма ва танловлар, шу мавзуга оид кино намойишлари ўтказилди. Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, бошқа масъул шахслар қатағон қурбонлари яшаб ўтган хонадонларга кириб, уларнинг авлодларидан хабар олди. Фидойи аждодларимиз туғилиб ўсган, яшаган маҳаллалар ва мактабларда Хотира бурчақлари ташкил этилмоқда.

Шу тарихқа одамлар қатағонга учраган маҳалладошлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиб борапти. Мустақиллик қандай оғир йўқотишлар эвазига қўлга киритилган буюк неъмат эканини англаб етаетти. Халқимиз қандай машъум кунларни бошдан кечирганини тушунапти. Фидойи аждодларимиз энг оғир пайтларда ҳам виждонини, миллий ўзлигини сақлаб қолганини юракдан ҳис этмоқда, ҳис этилмиш.

Ўзбекистоннинг ҳар бир қирати ери, ҳар битта домини, қир-адирни, ҳар кун отаётган ва ҳар кеч ботаётган кўёши, ҳамма-ҳаммаси ўтмишда қурбон бўлган аждодларимиз хотираси билан тўйинган. Бу муқаддас тулрокда минглаб фидойиларнинг излари бор. Уларнинг қурулсиз кечган жанглари борди, бироқ ғоясиз асло урушга қирмаган. Тўғри, уларнинг кўпи майдонларда мағлуб бўлган, аммо тарих саҳифаларида ҳамisha қолиб. Улардаги руҳ қўввати бугунги жамиятда ҳаракат ва журъат, ижобий силжиш пайдо қилади. Ушбу қаҳрамонлик, эпларварлик фелъ-атворини айни ислохотларга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

“Янги Ўзбекистон” жамлуаси остида фақат янгиланиш эмас, балки кўҳна қадриятларни замонавий тафаккур билан уйғунлаштириш ғояси этганидан хабар қилиш бугун кетма-кет оқланаётган миллат фидойиларини хотирасига ҳурмат — оддий бир маросим эмас, балки ўзига хос тараққиёт ҳаракати ҳам эканини тушунади. Авлодлар орасидаги ватанпарварлик кайфияти узвийлигини таъминлаш учун қилинаётган ушбу ишлар бугун мустаҳкам, барқарор жамият юзига келишига замин яратмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-846.
34930 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** услубида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаххас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй